

Ҳожи Менгназар  
Рустам ўғли

# ДАРД БОРКИ, ДАРМОН БОР

*Биринчи китоб*

ҲОЖИ МЕНГНАЗАР РУСТАМ ЎҒЛИ



# ДАРД БОРКИ, ДАРМОН БОР

1-китоб



ТОШКЕНТ  
«CHASHMA PRINT»  
2010

Менгназар ҳожи Рустам ўғли табобат тарихида, илму фанда аллақачон маълум бўлган, балки, бундан олдин ҳам бошқа кўплаб китобларда баён қилинган масалаларни ўзи учун янгидан кашф қилган. Ўз меҳнати, тажрибалари, изланишларига таяниб, юздан ортиқ касалликнинг даволарини, юздан ортиқ шифобахш ўсимликларнинг хусусиятларини ушбу рисолада баён этган.

*Наширга тайёрловчи ва масбут мухаррир:*  
**Мирзо КЕНЖАБЕК**

*Махсус мухаррирлар:*  
**Шавкат РУСТАМОВ**

ISBN 978-9943-350-35-9

© Ҳожи Менгназар Рустам ўғли,  
Мирзо Кенжабек, 2010  
© «Chashma Print» МЧЖ нашриёти, 2010

## **Сўз боши**

Ушбу «Дард борки, дармон бор» китоби Ҳожи Менгназар Рустам ўғелининг табиатга, табобатга бўлган қизиқишлари натижасидир. Зеро, унинг касбга муҳаббати, ҳаётий тажрибалари табобатда эришган натижаларидан устундир.

Ушбу китоб уч бобдан иборат бўлиб, 1-боб: «Ўт-гиёҳлар ҳикмати» деб номланади. Ўсимликлар оламининг ҳикматини инсон тўлиқ идрок эта олмаса ҳам, уларнинг шифобахш хусусиятлари тиббий китобларда зикр қилинади. Бу бобда аввал шифобахш ўт-гиёҳлар баён қилиниб, уларнинг нималарга даво экани баён қилинади.

2-боб «Ҳар дарднинг шифоси бор» деб номланган бўлиб, бу бобда кишилар ўртасида учраб туродиган дардлар ва уларнинг давоси ҳақида маълумот берилади.

3-боб «Нозик дардлар ва нозик шифолар» деб номланган бўлиб, бу бобда инсон ошкор этишга истиҳола қиладиган баъзи нозик дардларнинг шифолари ҳақида сўз юритилади.

Рисола муаллифнинг ilk тажрибасидир, шу боис у камчилик ва нуқсонлардан холи эмас. Чунончи, баъзи масалалар такрорланиши мумкин.

Ҳар ким ўз дардига ўзи даво қила олмаслиги мумкин, лекин рисола ўқувчини ўсимликлар оламига хурмат билан қарашга, табиатни муҳофаза этишга, борлиқ оламининг ҳикматини тафаккур қилишга, дардга бефарқ бўлмасликка ундейдики. Бу китобхонларга, айниқса ўсиб келаётган баркамол авлодга экологик тарбиядан сабоқ беради, деб умид қиласиз.

**Мирзо Аҳмад ХУШНАЗАР**

# I БОБ. ЎТ-ГИЁХЛАР ҲИКМАТИ

---



## ХИНА

1. Ҳўл хина барги, ёнфоқ барги билан қўшиб туйилиб, бошга боғланса, бошдаги совуқдан бўлган оғриқларга даво бўлади. Мияда тўпланган балғам ва турли хил хилтларни кувади (2 маҳал).

2. Хинани қашнич билан янчиб, чакка ва пешонага боғланса, қўздан оқиб келаётган рутубатларни тўхтатади. Кўз қувватини оширади. Хинани қайнатиб, оғзи қўйган гўдакларнинг оғзи артилса, ёки фарфара қилинса, шифо топади. Қайнатмаси ошқозон, жигар, пешоб йўллари, ба-чадон каби касалликларга фойда қиласди.



## ЗАРЧЎБА

1. Талқонини 3,5 грамм олиб, оқ шарбат ва 3,5 грамм арпабодиён билан ичилса, қўзни равшан қиласди. Жигар тиқилмаларини очади, жигар сўлиши, сариқ касалга «гепатит» даво бўлади.

2. Зарчўбани озгина қайнатиб, илиқ ҳолда тиш чайилса, оғриққа шифо бўлади.



## САРИМСОҚПИЁЗ

1. Саримсоқпиёз шишлиарни қайтаришда, бўғинлар қурий бошлаганда, қон қуюқлашганда суюлтиришга ёрдам беради.

2. Пешоб ҳайдашда, ҳайз кўришда қўлланади ва заҳарли нарсалар чаққанда ишлатилади.

3. Саримсоқпиёзни фасллар давомида меъёрига қараб ис-теъмол қилинса, аъзойи баданинг саломатлигини меъёрида ушлаб туради. Агар у узум сиркаси билан аралаштириб ис-теъмол қилинса, нафас қисиши, астма, склероз (хотир-фаромушлик), шол бўлиш, бетнинг бир томонга қараб тортилиши, асаб касалликларига, бўғинларнинг оғришига, бел

оғриғи (радикулит) каби дардларга даво бўлади. У меъдадан ҳар қандай қуртларни тушириш қобилиятига эгадир.

4. Агар эркак кишининг орқаси совуқ бўлса, саримсоқни истеъмол қилса пушти бақувват бўлади. Саримсоқпиёзни қоидаларига риоя қилиб истеъмол қилса, ўпка, меъдани даволашда, томчилаб сийишда, буйрак тошини майдалаб туширишда, илон чаққанда, ит тишлигандага даво бўлади.

5. Агар саримсоқпиёз доимо истеъмол қилиб турилса, сочни қорайтиради.

6. Саримсоқпиёз зира ва санобар барги билан пишириб истеъмол қилинса, тишларни мустаҳкамлайди.

7. Агар қўйнинг сутини қайнатиб, мол ёғи билан қовуриб, асал билан аралаштириб, ҳолва қилиб истеъмол қилса, ҳаракат аъзоларини бақувват бўлишида катта ёрдам беради.

8. Агар саримсоқпиёзни саратон чилласида меъёридан кўп истеъмол қилинса, зарар қилади. Бош оғрийди, қонни куйдиради, кўзни хидалаштириди, ўпкага зарар қилади. Саримсоқни сувда қайнатиб, ширин бодом ёғи, туз ёки сариёф билан истеъмол қилса, зарар қилмайди.

9. Суви кўзга томизилса, кўзнинг тагидаги қора фубор кетади.

10. Саримсоқпиёзни сирка билан аралаштириб бир кечакийиб, гарфара қилинса, томоқ оғриғига шифо бўлади.

11. Саримсоқпиёзни хамир ёки атиргулга аралаштириб, курамса чўққа кўмилса, пишириб тишга суртилса, унинг оғригини пасайтиради.

12. Саримсоқпиёзни сутда қайнатиб, хамирга қўшиб қориб, кўр яра ёки чипқонга қўйиб боғланса, ёриб юборади.

13. Саримсоқпиёзнинг кулига асал қўшиб аралаштириб, пес догига ва терининг оқ додига суртилса, даво бўлади.

14. Саримсоқпиёзнинг поя ва баргини сувда қайнатиб то киндиккача шу сувда ўтирилса, ҳайз кўришнинг равон бўлишида ва сийдик ҳайдашда ҳамда бачадон йўлдошини туширишда ёрдам беради.

15. Неча жойларда қайд этилганидек, фалаж касалликларига чалинганда, биринчи кун 1 дона, иккинчи кун 3

дона ва ҳар куни 1 донадан ошириб 40 кунда 80 дона, яна 41-кундан бошлаб 1 донадан камайтириб борилса, 80-кунда 1 дона еб охирига етказилса, фалаж касаллигидан фориғ бўлади.

Парҳези: сут, қатиқ, нўхат, қовурма овқатлар, ловия, балиқ, қўй гўшти, тухум ва мошли овқатларни тўла яхши бўлгунча истеъмол қилинмайди.

16. Кулига асал қўшиб темираткига суртилса, фойда қиласди.

17. Кули эски йирингли яраларга суртилса, фойда қиласди.

18. Тоғ ялпизи билан қўшиб қайнатиб, 3 маҳал бир ош қошиқдан ичилса, бит, сиркалар ўлади.

19. Агар унинг кули асал билан қўшиб ичилса, диққи-нафас касаллигига ва кўз остидаги қон талашга суртилса, фойда қиласди.

20. Саримсоқпийёзга сабзи ва зайдун ёгини қўшиб пи-ширилгани истисқо (қоринда сув йиғилиши)га фойда қиласди (даволаш 20 кун).



### **ТАТИМ (уруги)**

1. Қайнатмаси балғам ва кўнгил айнишини кетказади.

2. Қайнатмасига пахтани тўйинтириб суюк бўғинлари тойган жойларига боғланса, фойда қиласди.

3. Қулоқ йирингига қайнатмаси томизилса, йиринг тўхтайди.

4. Милк ва оғиздаги ёмон яраларга гарфара қилинса, фойда беради. Бир ош қошиқ олиниб, 3 дақиқа ушлаб, сўнг тўкиб ташланади.

5. Қайнатмасига пахтани тўйинтириб, боғлаб қўйилса, урилган жойда қон қуюқлашиб қолишининг олди олинади (ҳар куни 2 маҳал, даволаш муддати 10 кун).



### **ПАРДАРЎСАК**

1. Ҳўллигига сиқиб олинган мева суви йиринглаган қулоққа томизилса, шифо бўлади.

2. Суви нафас қисишига, чанқашга шифо бўлади.
3. Талқони 5 кун 3 маҳал 1 чой қошиқдан капаланса, сафрони пешоб орқали сиқиб чиқариб юборади. Турли гижжа ва куртларни туширади, пешобни ҳайдайди, ичак, буйрак оғриқларига қайнатмаси 15 кун 3 маҳал 50 гр. дан ичирилса, шифо бўлади.
4. Ҳар куни 35 граммдан меваси истеъмол қилинса, сариқ касалга даво бўлади.
5. Мевасидан сиқиб олинган суви қуёш тифига қўйилиб, қуюқ ҳолга келтирилади. Шуни бадандаги шишларга, бавосилга қўйилса, шифо топади.
6. Лекин қўп истеъмол қилинса, ақлни бежо ва девона қиласди.



## БАЛДИРГОН

1. Елимини 1 маҳал 1 таблетка миқдорича сахарда капаланса, зеҳнни ўткир қиласди, эслаш қобилиятини куайтиради.
2. Уни бир кеча-қундуз асал аралашган сирка (исканжубин)да ивитиб, қўшиб ичилса, иситмани туширади, сариқ касалга даво бўлади.
3. Балдиргонни малҳам қилиб чипқон ва яраларга қўйилса, тезлик билан ёради ва маддаларини ташқарига тортиб чиқаради.
4. Балдиргон совуқдан бўлган бош оғриқларига, фалаж, тутқаноқ ва карликка даво бўлади.
5. Унинг елимини мол ёғига аралаштириб суртилса, қўз хиралашганини яхшилайди. Кўз гавҳарида йифилган зардоларни йўқотади.
6. Елимини зайдун ёғига қўшиб қайнатилса, қулоқ оғриғига ва карликка фойда қиласди (10 кун 3 маҳал томизилади).
7. Қулоқ гувиллашига ҳам фойда қиласди (ҳар куни 3 маҳал томизилади).
8. Тишга қурт тушса, елимини тиш ковагига тиқиб қўйилса, қуртни ўлдиради.
9. Елимини озгина олиб, анжир мевасига қўшиб истеъмол қилинса, сариқ касал тузалади.



## КУЧАЛА

1. Кучала чорва моллари учун заҳарли бўлиб, бу дорини иложи борича жуда зарур ҳолларда ва эҳтиёткорлик билан ишлатиш лозим. Қувватсизлик, фалаж, шол ва асаб касалларида илдизи сут ёки шакар билан аралаштирилиб, 1 буғдой донаси катталигига 3 маҳал истеъмол қилинади.

2. Кучала илдизини туйиб, асалга қўшиб қайнатилса, 3 маҳал чигит катталигидай миқдорда истеъмол қилинса, кишини бақувват қиласи, фалаж, шол ва асаб касалларига фойда қиласи.



## КУНГАБОҚАР

1. Гулинин янчиб, шишларга қўйиб боғланса, шишларни қайтаради. Ҳўлини сиқиб, суви ичилса, меъда ва жигардаги тиқилмаларни очади. Мияни тозалайди, асаб, қовуқ оғрифига гулининг суви суртилса, шифо топади.

2. Гулининг сувини 7 кун 3 маҳал 2 ош қошиқдан ичилса, бавосил, ўпка сили, сариқ, истиқсо (водянка) касаллари шифо топади, пешоб ва ҳайзни ҳайдайди.

3. Агар илдизининг сувини олиб, оғриган тишга қўйилса, даво бўлади, баргининг сувидан 15 грамм ичилса, қаттиқ қостиради ва меъданни тозалайди.

4. Гулининг барги ва илдизчалари янчилиб боғланса, бўғин, радикулит, подагра касалларига фойда қиласи.



## ШИРИНМИЯ

1. Ширинмия қайнатмасини 3 маҳал 2 ош қошиқдан овқатдан 30 дақиқа олдин ичилса, пешобни ҳайдайди. Нрафас қисишига фойда қиласи. Астма, ўпка касали, жигарга фойда беради.

2. Асаб, бавосил, эски иситма ва йўталларга фойда қиласи.

3. Ҳар куни 1,75 грамм ширинмия томирини олиб 1 грамм шакар ва арпабодиён қўшиб истеъмол қилинса, юз рангини тиниқ қиласи, ел ва эски иситма, бош оғриқла-

ри, кўз олди қоронги бўлишига даво қиласи. Шу давони ҳамал ойининг бошидан бошлаб саратон ойининг бошига қадар давом эттирилса, албатта шифо бўлади.

4. Пўсти тозаланган 14 грамм томирни, илиқ сувга со-либ қўйиб, шу сувни муттасил ичиб юрилса, калит (қуланж) яъни тутқаноқ қасалига даво бўлади. Яна шу томирни қайнатиб ичилиб, қайт қилинса, ичдаги керак-сиз ва зарарли моддаларни чиқариб ташлайди.



## ТЎТИЁ

1. Тўтиёнинг ювилган суви саратон (рак) яраларига 3 маҳал суртилса, фойда қиласи.

2. Кўзга суви томизилса, кўз қатламларига кирган ёмон чиқиндиларни қайтаради, нурни кўпайтиради.

3. Бавосил яраларига атала қилиб суртилса, фойда қиласи.



## ШАФТОЛИ БАРГИ

1. 600 грамм сувга 2 ош қошиқ талқонини ташлаб, 15 дақиқа дамлаб иссиқ ичилса, бош оғрифи тузалади.

2. Ҳўл барг суви томизилса, қулоқ куртини ўлдиради.

3. Чой қилиб 3 маҳал 4–5 пиёладан иссиқ-иссиқ ичилса, ёнбош оғрифига фойда қиласи.


4. Сувига пахтани тўйинтириб, киндикка ёпишириб боғлаб қўйилса, куртлар ўлади.



## СИГИР ҚҮЙРУҚ

1. Илдизи қайнатмаси сийдик ҳайдаш, буйрак тошини ҳайдаш учун ишлатилади. Спиртда тайёрлангани қўл-оёқ бўғинларида оғриқ жойига суртиш, лат еган жойига компресс қилиш, гипертония, паришонхотирлик, нафас йўллари шамоллашида ишлатилади. З маҳал овқатдан 30 дақиқа олдин 2 ош қошиқдан ичиш керак.

2. Гулининг қайнатмаси эса кўкйўгал, бронхиал астма, яллигланиш, ҳансирашда ўраб олувчи модда сифатида



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi  
<https://kitobxon.com/oz/asar/941> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси  
<https://kitobxon.com/uz/asar/941> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию можно  
найти на сайте <https://kitobxon.com/ru/asar/941>